(1394-йил 22-март, Султония шахри, Эрон Озарбайжони - 1449-йил 27-октабр, Самарканд)
(1409-1449)

Улугбек ўзбек халки тарихида буюк астроном ва математик, давлат арбоби сифатида из колдирган. Шохрухнинг ўгли, Амир Темурнинг набирасидир Сохибкироннинг “беш йиллик юриш”ида (1392-96) Ирокдаги Мордин калъасини камал килиш чогида тугилган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ёзишича, Амир Темур хузурига чопар келиб Улугбекнинг тугилгани ва мунажжимлар бу невара келажакда хам олим, хам хукмдор бўлишини башорат килганлари хушхабарини етказади. Сохибкирон хурсандлигидан Мордин калъаси камалини тўхтатиб, унинг халкига юкланган тўловни бекор килади. Унинг ўз набирасига Мухаммад Тарагай ва Улугбек деб исм кўйганини хам мунажжимларнинг юкоридаги башорати билан боглаш мумкин. Амир Темур Улугбек тарбиясига алохида эътибор берган ва уни давлат ахамиятига молик тадбирларда катнаштирган. Клавихонинг кайд этишича, Улугбек бобосининг хорижий элчиларни кабул килиш маросимларида иштирок этган. 1404-йил Конигилда ўтказилган тантаналарда Амир Темур олтита набирасининг (жумладан, Улугбекнинг) никох тўйларини ўтказган. Тўйда Сохибкирон Улугбекка Тошкент, Сайрам, Янги (хоз. Тароз), Ашпара ва Мўгулистонни то Хитой худудигача суюргол килиб берган. Амир Темур Ўтрорда вафот этган чогда Улугбек хам ўша ерда бўлган.
Темурийлар ўртасида тожу тахт учун кураш бошланган. Ўтрордан кайтган Шохрух фарзандлари - Улугбек ва Иброхим Султонни амирлар пойтахт Самаркандга киритмайдилар, улар Бухородан панох топишган. Самарканд тахтини Халил Султон эгаллаган. Хуросонни бошкариб турган Шохрух Улугбекка дастлаб Андхўй билан Шибиргонни, кейинчалик Хуросоннинг Тус, Хабушон, Калот, Бовард, Насо, Ёзир, Сабзавор ва Нишопурдан иборат кисмини бошкаришни топширган. 1410-йил Шохрух Мовароуннахрни ўз тасарруфига киритгач, уни идора этишни Туркистон вилояти билан бирга Улугбекка топшириб, Сохибкирон васиятини кайта тиклаган. Улугбек ёш (15 ёш) бўлгани сабабли амир Шохмалик унга хомий этиб белгиланган. Лекин Шохмаликнинг ракиби - Ўтрордаги Шайх Нуриддин ва Мухаммад Жахонгирнинг Хисордаги волийлари 1410- йил бахорида Улугбек ва Шохмаликка карши чикканлар. Шу йилнинг ёзида Шохрух иштирокида бўлган жангда Шохмалик ва Улугбек галаба килганлар. 1411-йил сентабрда Шохрух Самаркандга келиб, Шохмаликни ўзи билан Хиротга олиб кетган ва кейинчалик Хоразмга хоким килиб юборган (1413).
Шу вактдан бошлаб Улугбек Мовароуннахрни мустакил идора этишга киришган. Шохрух Мовароуннахрда бошка темурий шахзодаларга хам мулк ажратган эди. Чунончи, Хисори Шодмонни Мухаммад Султоннинг ўгли Мухаммад Жахонгир мирзога, Ўзганд вилоятини Умаршайхнинг ўгли Амирак Ахмадга суюргол килган эди. Бирок улар Улугбекка тобе эдилар. 1414-15-йил улар ўртасида ихтилоф чикиб, Улугбек Амирак Ахмад устига кўшин тортган ва уни енгган. Шохрух Амирак Ахмадни Хуросонга чакиртириб олган; Кашгар хам то 1428-йилгача Улугбекка тегишли бўлган. Улугбек ўз хукмронлиги давомида 2 марта йирик харбий юриш килган. Биринчисида 1425-йил Мўгулистон хони Шермухаммад ўглон (1421-1425) ўзини мустакил хон деб эълон килганда, Улугбек унга карши юриш килиб зафар козонган. Улугбекнинг 2-юриши Сигнок шахри томон бўлган. Сирдарёнинг куйи

хавзаси Улугбек тасарруфида эди. Улугбек 1427-йил Сигнок якинида унинг мулкига тахдид килган Барок ўглон билан тўкнашган ва маглубиятга учраган. Душман Улугбекни таъкиб килиб, Самарканд остоналаригача келган. Мовароуннахр хавф остида колганлиги туфайли Шохрух Хуросондан катта лашкар тортиб келиб хавфни бартараф этади.

Шохрух вафоти (1447, 12 март)дан кейин Улугбекнинг катта ўгли Абдуллатиф ворис сифатида Темурийлар хукмдори бўлиб колади. Лекин Шохрухнинг каттиккўл хотини Гавхаршод бегим бу хакда ўз фикрига эга эди. У Шохрух даврида Темурийларнинг пойтахти бўлиб колган Хирот тахтига мархумнинг 3-ўгли бўлмиш Бойсунгур мирзонинг ўгли ва суюкли набираси Алоуддавла мирзони ўтказиш тарафдори эди. Гавхаршод бегим Хирот тахтига Алоуддавлани ўтказганини Улугбекка нисбатан исён деб каралмоги керак эди. Шунинг учун Улугбек 1448-йил бахорида Абдуллатиф билан биргаликда 90 минг аскар билан Хуросонга келиб, Хирот якинида бўлган жангда Алоуддавлани тор-мор килади. Галаба Абдуллатифнинг шахсий шижоати ва лашкарбошилик истеъдоди туфайли эришилган бўлса хам, Улугбек фатхномани кичик ўгли Абдулазиз номидан эълон килади. Ундан ташкари, бобоси Шохрух томонидан Абдуллатифга васият килинган Хиротдаги Ихтиёриддин калъаси ва унинг ичидаги бойликларини хам Улугбек Абдулазизга беради. Шундан сўнг Улугбек билан Абдуллатиф ўртасидаги муносабат очик душманлик тусини олади. Улугбек Самаркандда Абдулазизни колдириб, лашкар билан катта ўглига карши жангга юради. Абдуллатиф хам ўз лашкари билан Амударё ёкасига келиб туради. Иккала лашкар хам дарёнинг 2 сохилида узок муддат туриб, сувни кечиб ўтишга ботинмайди. Бу орада Улугбек, Абдулазиз лашкардаги амирларнинг оилаларини таъкиб этаётир, - деган хабарни эшитиб, Самаркандга кайтиб келишга мажбур бўлади ва шахар ахолисининг Абдулазизга карши исён кўтарганининг гувохи бўлади. Тезда шахарни тартибга келтириб, яна Абдуллатифга карши жангга йўлланади, лекин Самарканд якинида ундан маглубиятга учрайди. Орадан кўп ўтмай, Улугбек Абдуллатиф буйруги билан катл этилади. Унинг жасади Гўри Амир макбарасига дафн этилган.

Улугбек отаси Шохрух даврида сиёсий хукмдор сифатида ички ва ташки сиёсат бобида бирмунча мустакил бўлган. Бошка давлатлар билан бевосита савдо ва элчилик муносабатлари олиб борган. Улугбек даврида Самарканд шахри янада равнак топган. Шахарда хунармандчилик, меъморлик, адабиёт, умуман илм-фан юксалди, савдо тараккий этди. Бухорода (1417), Самаркандда (1420), Гиждувонда (1432-33) мадрасалар ва Марвда хайрия муассасалари курилди. Мадрасаларда диний фанлар билан бирга дунёвий фанлар хам ўкитилди, кўпрок аник фанларга ахамият берилди. Бибихоним масжиди, Амир Темур макбараси, Шохизинда ва Регистон мажмуалари курилишлари поёнига этказилди. Бундан ташкари, мамлакатда кўплаб жамоат иншоотлари (карвонсарой), тим, чорсу, хаммомлар ва бошка хам бунёд этилган. Улугбек Ўрта Осиё халклари илм-фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг энг юкори погонасига олиб чикди. Унинг килган энг буюк иши - Самарканд илмий мактабини ўша давр академиясини барпо этганлиги бўлди. Бу илмий мактабда 200 дан ортик олимлар фаолият олиб борган. Улар орасида энг йириклари Козизода Румий, Гиёсиддин Жамшид Коший эди. Улугбекнинг илмий мактаби ўз фаолиятида ўртаосиёлик машхур олимлар Мухаммад Хоразмий, Ахмад ал-Фаргоний, Абул Аббос ал-Жавхарий, Ибн Турк ал-Хутталий, Холид ал-Марваррудий, Ахмад ал-Марвазий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Берунийлар бошлаб берган илмий анъанага асосланар эди. Улугбек Самарканд

якинида расадхона барпо килди. Улугбек академиясидаги йирик олим - Али Кушчини Улугбек “Зижи”нинг сўзбошисида “фарзанди аржуманд”, яъни “азиз фарзандим” дейди. Аслида у Улугбекнинг садокатли шогирди бўлиб, “Зиж” устида ишлар поёнига етказилгунига кадар устозига ёрдам берган. Улугбек Самаркандда 2 та мадраса: бири - Регистон ансамбли таркибида ва иккинчиси Гўри Амир ансамбли таркибида барпо килган. Бошка йирик олимлар каторида Улугбекнинг ўзи хам бу мадрасаларнинг хар бирида хафтада бир маротаба маъруза ўкиган.
Бошка вактини кўпрок астрономик кузатишларга, “Зиж” устида ишлашга ва давлат ишларига багишлаган. Улугбекнинг яна бир математик асари “Рисолаи Улугбек” деб аталади ва унинг 1-нусхаси Хиндистонда Алигарх университети кутубхонасида сакланади, хали ўрганилмаган. Фан ва маданият тарихида сўнмас из колдирган Улугбекнинг илмий мероси унинг “Зиж”идир. Бу асар сайёралар, Куёш ва Ой харакатини талкин килиш, юлдузлар каталоги ва унда кўлланилган математик усуллари бўйича ўрта асрлардаги астрономик асарларнинг энг мукаммали бўлганлиги учун авваламбор у мусулмон мамлакатларидаги олимларнинг диккатини жалб килган. “Зиж”га илк шархни Улугбекнинг шогирди Али Кушчи “Чархи Зижи Улугбек” номи билан ёзган. Ўша ХВ асрнинг ўзида кохиралик мунажжим Шамсиддин Мухаммад ас-Сўфий ал-Мисрий “Ташил Зижи Улугбек” (“Улугбек “Зиж”ини осонлаштириш”) номли асар ёзиб, унда Улугбек жадвалларини Кохиранинг географик кенглигига мослаштирди. Улугбек “Зиж”ига ёзилган энг мукаммал шарх Самарканд илмий мактабининг энг сўнгги намояндаси Низомиддин Абдул Али ибн Мухаммад ибн Хусайн Биржандийнинг 1523-йил ёзиб тугатилган “Шархи Зижи Улугбек” асаридир. Улугбекнинг номи Европада ва умуман Гарб мамлакатларида буюк бобоси Амир Темурнинг шухрати туфайли анча илгари маълум бўлган. Европа Амир Темур ва унинг оила аъзолари хакида 1-бўлиб Самаркандга 1403-1405-йиллар саёхат килган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавиходан эшитган. Клавихонинг “Кундаликлар”и 1582-йил Севиляда ва 1607-йил Парижда нашр этилганидан сўнг европаликлар дархол Амир Темур ва унинг оила аъзолари билан кизикканлар. Улугбек номи ХВИИ аср бошиданок (1601-йилдан) Амир Темурга багишланган драматик асарларда эслатилади. Бевосита Улугбекка багишланган Европадаги 1-нашр инглиз астрономи Жон Гривс (1602-52) каламига оид. Унинг 1648-йил нашр этилган асарида Улугбек юлдузлар жадвалининг бир кисми (98 та юлдуз) илова килинган. 1665-йил яна бир инглиз олими Томас Хайд (1636-1703) Гривс билан богланмаган холда “Зиж”даги юлдузлар жадвалини форсий ва лотинча таржимада нашр этган. 1690-йил Гданскда поляк астрономи Ян Гевелий чоп эттирган “Юлдузлар осмонининг атласи”даги иккита гравюрада ўша даврнинг машхур астрономлари орасидан Улугбекка фахрли ўрин берган, унда Улугбекнинг юлдузлар жадвалини Птолемей, Тихо Браге, Риччиоли, Вилгелм ИВ ва ўзининг жадваллари билан солиштирган.
1711-йил Оксфордда Улугбекнинг географик жадвали 3-марта нашр этилган. 1807-йил ўша ерда бу жадвал янги грек тилида хам нашр этилган. 1725-йил инглиз астрономи Д. Флеметид (1646-1719) Улугбекнинг юлдузлар жадвалини Птолемей, Тихо Браге, Вилгелм ИВ, Ян Гевелий ва ўзининг жадваллари билан бирга нашр этган.
1908-09-йиллар В.Л. Вяткин Улугбек расадхонасининг харобаларини ва унинг асосий асбоби - квадрантини кавлаб топгандан сўнг, Самарканд олимларининг фаолиятига янгидан кизикиш бошланади. Натижада 1918-йил В. В. Бартолднинг “Улугбек ва унинг даври” асари нашр этилган. Совет даврида Улугбекнинг хаёти ва ижоди билан мамлакат жамоатчилигини таништириш бўйича Т.Н. Кори-Ниёзий кўп саъй-харакат килган.

Улугбек ижодини таргиб килишда Г. Жалолов ва В. П. Шчегловларнинг нашрлари хам диккатга сазовордир. ХХ асрнинг 80-йиллари бошига келиб Улугбек “Зиж”ининг тўлик ва мукаммал холда, илмий изохлар билан таъминланган таржимасини А. Ахмедов 1994-йил амалга ошириб, нашр эттирди. Якин йилларгача Улугбек факат астроном ва математик деб хисобланарди. Лекин ХХ аср охирида унинг ижоди серкирра бўлиб, у тарих, шеърият ва мусика бобида хам калам тебратгани аникланди. Тарихчи Мирзо Мухаммад Хайдар “Тарихи Рашидий” асарида “Мирзо Улугбек тарихнавис донишманд (ва) “Тўрт улус” (тарихи)ни (хам) ёзиб колдирган эди”, деб ёзган. Улугбекнинг туркийда ёзган “Тарихи арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) асари Чингизхон босиб олган мамлакатларнинг ХИИИ-ХИВ асрлар 1-ярмидаги сиёсий хаётини ўрганишда мухим манбадир. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва Абу Тохирхожанинг “Самария” асарларида хам унинг шеърларидан намуналар келтирилган. Унинг даврида кўпгина асарлар араб ва форс тилидан эски ўзбек тилига таржима килинган. Улугбек ташкил этган бой кутубхонада турли фанларга оид 15 мингдан ортик жилдли китоб бўлган. Улугбек ёшлигидан ўзга фанлар катори мусика илмидан сабок олиб, бир катор куй ва усуллар яратган, бу сохага оид 5 та рисола хам ёзган. “Рисола дар илми мусика” номли асари мусика тарихига багишланиб, унда “12 маком баёни”га доир махсус боби хам бўлган. Улугбек “булужий”, “шодиёна”, “ахлокий”, “табризий”, “усули равон” ва “усули отлиг” куйларини ижод килади. Улугбек таваллудининг 600 йиллиги 1994-йил апрелда Парижда, октабрда Тошкент ва Самаркандда тантанали равишда нишонланди ва халкаро конференсиялар ўтказилди. Шу йили Тошкентда Улугбекка хайкал ўрнатилди. Улугбек сиймоси Пулково расадхонаси, Москва университети конференс-залларида дунёдаги машхур олимларнинг портретлари каторидан жой олган. Самаркандда Улугбекнинг мемориал музейи ташкил этилган. Тошкентда Ўзбекистон миллий университети, туман, кўча, махалла, метро стансияси, истирохат боги, шахарча Улугбек номи билан аталади. Фаргона педагогика университетига, Самарканд архитектура-курилиш институтига, Китоб халкаро кенглик стансиясига, кишлок, мактаб ва бошкага Улугбек номи берилган. Улугбекнинг хаёти ва фаолияти хакида песа (М. Шайхзода, “Мирзо Улугбек” трагедияси), роман (О. Ёкубов, “Улугбек хазинаси”; С. Бородин, “Самарканд осмонида юлдузлар”), опера (А. Козловский, “Улугбек”), поема (М. Бобоев, “Улугбек”), балет (М. Бафоев, “Улугбек буржи”), филм (Реж. Латиф Файзиев, “Улугбек юлдузи”, 1965) ва бошка яратилган.